



ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ ХУСУСИДА

Махмудов Азизхўжа Зиёдуллаевич

*Тошкент давлат аграр университети мустақил тадқиқотчиси.
Тошкент, Ўзбекистон. a.makhmudov@tsue.uz*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a48

Аннотация

Мақолада дунёда COVID-19 пандемияси, иқлим ўзгариши ва уруш учоқларини озиқ-овқат хавфсизлигига таъсири, уларнинг оқибатлари очиб берилган. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий элементлари ташкилий тузилмаси, озиқ-овқат муаммосининг дунёда очликни ўсиши, тўйиб овқатланмаслик тарқалиши (ТОТ) кўрсаткичининг ўзгариши таҳлил қилинган ва таҳлиллар асосида муаммонинг ечими бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, тўйиб овқатланмаслик тарқалиши, ички ва ташқи озиқ-овқат бозори.

Аннотация

В статье описывается влияние глобальной пандемии COVID-19, изменения климата и войн на продовольственную безопасность и их последствия. Также в статье анализируется организационная структура основных элементов продовольственной безопасности, рост голода в мире, изменение распространенности недоедания (РН), и на основе анализа вырабатываются предложения и рекомендации по решению проблемы.

Ключевые слова: глобализация, сельское хозяйство, продовольственная безопасность, распространенность недоедания, внутренний и внешний рынок продовольствия.

Abstract

The article describes the impact of the global COVID-19 pandemic, climate change and wars on food security and their consequences. Also, the article analyzes the organizational structure of the main elements of food security, the growth of hunger in the world, the change in the prevalence of undernourishment (PO), and based on the analysis, proposals and recommendations are developed to solve the problem.

Key words: globalization, agriculture, food security, prevalence of malnutrition, internal and external food market.

Кириш

Ҳозирги глобаллашув шароитида аҳолининг салмоқли қисмини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг асосий дастурий мақсадларидан бири бўлиб, жаҳон ҳамжамиятининг муҳокама мавзусига айланиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган тизимли инқироз ва сиёсий беқарорлик шароитида, кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси кескин аҳволга тушиб

қолган бир пайтда, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси кескинлашди ва зудлик билан ҳал қилишни тақозо этмоқда[1]. Бунинг сабаби шундаки, озиқ-овқат маҳсулотларига замонавий эҳтиёжнинг шиддат билан ортиб бориши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини такрор ишлаб чиқариш интенсив ривожлантиришнинг асосий шarti бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги такрор ишлаб чиқариш жараёнини сифат ва миқдор жиҳатдан самарали ташкил қилиш, тармоқни давлат томонидан молиявий қўллаб қуватлашни замонавий механизмларини ишлаб чиқиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва экологик соғлом қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар билан таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Замонавий шароитларда агросаноат мажмуаси ўз маҳсулотлари рақобатбардошлигининг нисбатан паст даражаси билан ажралиб туради. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришининг технологик қуролланганлик даражасининг пастлиги, юқори даражадаги инвестицион эҳтиёжларининг мавжудлиги тармоқни давлат томонидан қўллаб қувватлаш тизимини манзиллигини оширишни тақозо қилади. Ўзбекистон республикасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувининг ҳозирги тенденциялари ва давлат озиқ-овқат суверенитетини сақлаш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли стратегияни рўёбга чиқариш ва ушбу стратегияни самарали реализация қилишни давлат томонидан молиявий қўллаб қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобланади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг(FAO) эътироф этшича, охириги прогнозларни ҳисобга олган ҳолда 2050 йилга қадар жаҳон аҳолисининг ўсиб бораётган талабларини қондириш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган истемол маҳсулотларини 2012 йилга нисбатан деярли 50 %га оширишни талаб қилади[2]. Бироқ ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни энг юқори ўсиши 1960-2015 йилларга тўри келиб ушбу даврда қарийиб 3 баробарга ортган. Бироқ ушбу даврдаги ўсиш нисбатан экстенсив тавсифга эга бўлиб, иқлим ўзгариши, ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида табиий ресурсларга босимнинг кучайиши, тармоқ интенсив ривожланишига йўналтириладиган инвестицион эҳтиёжларнинг етишмаслиги кейинги истиқболдаги даврларда тармоқни ривожлантириш муаммоларини келтириб чиқарди.

Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди (IFAD) ва жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги дастурининг (WFP) тасдиқлашича, тармоқ ривожланиши учун инвестициялар ва давлатнинг ижтимоий харажатлари 2030 йилга қадар даромадларни изчил ошириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолининг барча ижтимоий қатламлари томонидан етарли истемол истемол қилишини имкониятларини яратмасдан, глобал масштабдаги очлик билан боғлиқ муаммоларини олдини олишга қодир эмас[3]. 2030 йилга қадар ушбу муаммоларни олдини олиш учун прогнозларга кўра тармоққа йилига 265 млрд. доллар қўшимча инвестициялар киритилишини тақозо этмоқда. Кўзда тутилган инвестициялар асосан “Ақлли қишлоқ хўжалиги”, “Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш” каби инновацион лойиҳаларни кенг жорий этиш орқали интенсив ривожланишни таъминлаш ва ушбу йўналишда давлат томонидан тармоқни қўллаб қувватлашнинг замонавий усуллари жорий этишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини

ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги ПҚ-5009-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аграр соҳанинг барча тармоқларини молиялаштириш, ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш, юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, аграр соҳани механизациялаш, маҳсулот етиштириш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш мақсадида бир қатор вазифалар ва устувор йўналишлар белгиланган. Ушбу мақсадда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг молиявий механизмларини тубдан такомиллаштириш, давлат томонидан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш механизмларини қайта кўриб чиқиш зарур. Шу муносабат билан қўшлиқ хўжалигида фаолият олиб борувчи тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали механизминини ривожланган илғор хорижий давлатлар тажрибаларида синалган ва амалда қўлланилаётган турли хил шакллар ва усулларни, илғор тажрибаларини ўрганиш ҳамда мамлакатимиз шароитларига мослаштирган ҳолда амалда қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси

Ҳозирги глобаллашув шароитида аҳолининг салмоқли қисмини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг асосий дастурий мақсадларидан бири бўлиб, жаҳон ҳамжамиятининг муҳокама мавзусига айланиб бормоқда. Ушбу муаммоларни тадқиқ қилишда илмий абстракциялаш, индукция-дедукция каби назарий усулларидан ва кузатиш, статистик таҳлил, вертикал ва горизонтал таҳлил, иқтисодий-математик каби эмпирик усуллардан кенг фойдаланилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Барча кишилар, ҳар доим фаол ва соғлом ҳаёт кечириш учун етарли миқдорда, хавфсиз озиқ-овқатга жисмоний ва иқтисодий кириш имкониятига ега бўлган вазият. Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Рим декларацияси [4] (1996) ҳар қандай давлатнинг ҳар бир инсоннинг етарли озиқ-овқат ва очликдан озод бўлиш ҳуқуқига мувофиқ хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқатдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш мажбуриятини билдиради.

Глобал озиқ-овқат инқирози аҳолини қўллаб-қувватлаш, эркин савдо ва маҳаллий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни кўпайтиришни талаб қилади. Мисли кўрилмаган инсонпарварлик муаммоси озиқ-овқат таъминотидан маҳрум бўлганларнинг азоб-уқубатларини енгиллаштириш ва муҳтож мамлакатларни молиялаштириш учун тезкор чоралар кўришни талаб қилади [5].

Иқтисодий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида озиқ-овқат хавфсизлигининг назарий ва амалий масалаларини ҳал қилиш ҳамда унинг жамият тараққиётидаги, инсониятнинг турмуш фаровонлиқдаги ролини асослашга иқтисодчи олимларидан Д.В.Зеркалов[6] томонидан “Озиқ-овқат хавфсизлиги” монографиясида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари жаҳон тарихий жараёнларида кўплаб амалий таҳлиллар келтирилади.

А.Б. Ефимов[7] фикрича озиқ-овқат хавфсизлиги давлатнинг аграр-иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан биридир. Умумий шаклда у ҳар қандай миллий

озиқ-овқат тизимининг идеал ҳолатга қараб ҳаракатланиш векторини ташкил қилади. Шу маънода озиқ-овқат хавфсизлигига интилиш доимий жараёнدير. Шу билан бирга, бунга эришиш учун кўпинча ривожланишнинг устувор йўналишлари ва қишлоқ хўжалиги сиёсатини амалга ошириш механизмлари ўзгаради.

Э.А. Гулиев[8] таъкидлашича мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда макроиқтисодий ва фискал механизмларни такомиллаштириш ва оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир давлат озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат сиёсати ва давлат томонидан тартибга солишнинг янада самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳақида ғамхўрлик қилиши керак.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сув ресурсларининг XXI асрга бориб танқислиги юзага келиши ҳамда бу глобал иқтисодий муаммо айланиши ҳақида кўплаб расмий статистик материаллар тахлили олиб борилади Яна бир иқтисодчи олим Л.Ревенко[9] ўзининг “Озиқ-овқат хавфсизлиги: ечимини топиш имкони мавжуд” расмий мақоласида жаҳон саҳнасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича асосан ташқи оқимлар яъни мамлакатлар ишлаб чиқариш салоҳияти ва имкониятига боғлиқ ҳолда тақсимлаш масаласини кўтариб чиқади.

Ўзбекистонда тадқиқ қилинаётган муаммонинг айрим томонлари умумий тарзда Ҳ.П.Абулқосимов[10]нинг “Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги” ўқув қўлланмасида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси умумий тарзда ўрганилган бўлса яна бир иқтисодчи олимларимиздан Н.Х.Эргашев[11] Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда суғуртанинг аҳамиятини кўрсатиб беради.

Таъкидлаш лозимки, хорижлик олимлар Strange R. N., Scott P. R.[12], Schmidhuber J., Tubiello F. N.[13], Wheeler T., Von Braun J.[14], Wang J. [15] томонидан олиб борилган тадқиқотларда асосан озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи глобал иқтисодий хавфсизликни келтириб чиқарувчи омил сифатида қараб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясининг асосий мақсадларидан бири қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсификация қилиш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш ҳисобланади[16]. Ушбу мақсадда қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтиришнинг янги механизмларини амалга ошириш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган. Президентимиз таъкидлаганларидек: “Авалло, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади... Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, рақамлаштириш, ернинг унумдорлигини ошириш, замонавий агротехнологияларни жорий этишга илк бор 600 миллион доллардан зиёд кредит ва грант маблағлари жалб қилинади”[17].

Гарчи замонавий шароитларда, қишлоқ хўжалиги тармоғининг олдида мамлакатни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бош мақсад қўйилаётган экан, ушбу мақсадни самарали амалга ошириш нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш балки, фаолиятни интенсификация қилиш орқали истеъмол маҳсулотлар баҳоларини барқарор даражада ушлаб туриш вазифаси ҳам юкланади. Чунки, озиқ-овқат хавсизлиги тўрт асосий элементдан ташкил топиб, уларни таъминлаш бевосита қишлоқ хўжалигига ҳам боғлиқ бўлмоқда.



1-расм. Озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий элементлари ташкилий тузилмаси*.

**Манба: Расм муаллиф томонидан тизимлаштирилган*

1-расмдан кўришимиз мумкинки, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аҳоли кенг қатлами учун истемол қилинадиган маҳсулот турларини ишлаб чиқариш аввало мамлакатдаги мавжуд ички талабни таъминлаш ва шунингдек, мамлакат экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган экспортбоп маҳсулотлар турларини ишлаб чиқишни жорий этишни тақозо қилади.

Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди (IFAD) ва жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги дастурининг (WFP) маълумотларига кўра[18]:

- 2021-йилда ҳам глобал очлик ўсиши давом этди, 2021-йилда COVID-19 пандемияси тугайди ва озиқ-овқат хавфсизлиги яхшилана бошлайди деган умидлар амалга ошмади. 2015 йилдан бери тахминан бир хил бўлиб қолган тўйиб овқатланмаслик тарқалиши (TOT) 2019 ва 2020 йиллар орасида 8,0 фоиздан 9,3 фоизга кўтарилди. 2021-йилда бу кўрсаткич секинроқ бўлса-да, ўсишда давом этиб, 9,8 фоизга етди;


- 2021-йилда дунёда 702 миллиондан 828 миллионгача оч одам бор эди. Ўртача прогнозга кўра, COVID-19 пандемияси бошлангандан буён уларнинг сони қарийб 150 миллионга ошган: 2019-2020 йилларда – 103 миллионга, 2021 йилда эса яна 46 миллионга кўпайди;

- иқтисодиётнинг нотекис тикланиши, пандемиядан энг кўп жабрланганларнинг даромадлари қопланмагани ва 2020 йилда жорий этилган ижтимоий ҳимоя чораларининг қисқариши туфайли мамлакатлар ўртасида ва мамлакат ичидаги тенгсизликнинг кучайиши туфайли дунёда очлик ўсишда давом этмоқда;

- 2021-йилда Африкада 278 миллион, Осиёда 425 миллион, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида 56,5 миллион (мос равишда аҳолининг 20,2, 9,1 ва 8,6 фоизи) оч одам бор эди. Дунёдаги тўйиб овқатланмайдиган аҳолининг аксарияти Осиёда, аммо очлик энг юқори кўрсаткич Африкада;

- 2019–20-йилларда Африка, Осиё, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасидаги аксарият мамлакатларда очлик кучайган; 2021 йилда кўпчилик субминтақаларда ўсиш давом этди, лекин секинлашди. 2019-йилга нисбатан фоиз ва мутлақ кўрсаткичларда энг сезиларли ўсиш Африкада кузатилди;

• 2030-йилга бориб 670 миллионга яқин одам ёки дунё аҳолисининг 8 фоизи тўйиб овқатланмасликлари тахмин қилинмоқда; 2030 йил Кун тартиби қабул қилинган 2015 йил даражасига нисбатан бу кўрсаткич ўзгармади. Яъни, 2030 йилга бориб, пандемия бўлмаганидан кўра 78 миллион кўпроқ одам тўйиб овқатланмасликдан азият чекади (2-расм).



2-расм. Дунёда глобал очлик ўсиши(млн киши, ўнг устун) ва тўйиб овқатланмаслик тарқалиши(% да чап устун)[18].

2018 йилдан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пасаймоқда. Россиянинг Украинага бостириб киришидан олдин ҳам иқлим шокларининг частотаси ва зўравонлигининг ошиши, минтақавий можаролар ва пандемия озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва тарқатиш, шунингдек, одамлар ва оилаларни озиқ-овқат билан таъминлаш харажатларига салбий таъсир кўрсатди.

Украинадаги уруш натижасида вазият янада жиддий тус олди. Бу озиқ-овқат ва ўғит нархларининг янада ошишига олиб келди, импорт қилувчиларга зарар етказди ва бир қатор мамлакатларни кспортга чекловлар қўйишга ундади.

Натижада мисли қўрилмаган 345 миллион кишининг ҳаёти ва турмуши бевосита озиқ-овқат хавфсизлиги таҳдиди остида қолмоқда. Бундан ташқари, Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури маълумотларига кўра, дунё бўйлаб ҳар кеча 828 миллиондан ортиқ одам оч ўхлаб ётади.

Озиқ-овқат зарбасининг таъсири ҳамма жойда сезилади. Энг жиддий зарар кўрган 48 мамлакат, уларнинг аксарияти Украина ва Россиядан импортга қарам бўлиб, асосан паст даромадли мамлакатлардир. Уларнинг қарийб ярми жиддий иқтисодий муаммолар, заиф институтлар ва беқарорлик туфайли айниқса заифдир.

Инсоний йўқотишлар билан бир қаторда молиявий харажатлар ҳам ортиб бормоқда. ХВЖнинг янги ҳужжатиغا кўра, озиқ-овқат хавфсизлиги юқори бўлган мамлакатларда озиқ-овқат ва ўғит импортига сарфланадиган харажатлар 2022 ва 2023 йилларда тўлов баланси юкига яна 9 миллиард доллар қўшади. Бу мамлакатларнинг халқаро захираларини тугатади ва озиқ-овқат ва ўғит импорти учун тўлов қобилиятини йўқотади.

Кўпгина минтақаларда озиқ-овқат нархлари сўнги чўққилардан бироз пасайган бўлса-да, озиқ-овқат ва энергия нархларининг давом этиши ҳаёт нархининг инқирозини кучайтирмоқда, бу эса қашшоқликни ошириши ва иқтисодий ўсишга путур етказиши, сиёсий беқарорликни кучайтириши мумкин. Натижада сиёсатчилар кўпгина мамлакатларда одамларни ҳозирги озиқ-овқат инқирозидан ҳимоя қилиш учун фискал чоралар қўлланилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, бу йилнинг ўзида юқори хавф остидаги мамлакатларга энг камбағал уй хўжаликларига ёрдам бериш учун 7 миллиард доллар керак бўлади.

Ўзбекистон 2022 йилда Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индексида 113 та мамлакат орасида 73-ўринни эгаллади[19]. Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индекси (GFSI) рейтинги Economist Intelligence Unit таҳлил агентлиги томонидан Corteva Agriscience кўмагида ҳар йили қайтадан тузилади. GFSI — 2022 жорий йил 20 сентябрда нашр этилган ва индекснинг ўн биринчи нашри ҳисобланади.

Индекс озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятлари, уларнинг мавжудлиги ва хавфсизлиги, шунингдек, дунёдаги 113 та мамлакатнинг табиий ресурслари ва барқарорлигига оид масалаларни кўриб чиқади. Таҳлил натижаларига кўра, 2019–2022 йиллар бўйича умумий рейтингда Ўзбекистон ўн икки ўринга кўтарилди ва 2022 йилда 113 та мамлакат орасида 73-ўринни эгаллади. Шу тариқа, Ўзбекистон 2019–2022 йилларда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича энг юқори ўсиш кўрсаткичларига эришган 10 мамлакат ичида биринчи ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон «Иқтисодий фойдалана олиш имконияти» категорияси бўйича 18 ўринга, «Сифат ва хавфсизлик» категорияси бўйича 3 ўринга, «Барқарорлик ва мослашиш» категорияси бўйича 36 ўринга кўтарилди.

Хулоса ва таклифлар

Глобал озиқ-овқат инқирозини енгиллаштириш ва инсоният таназзулининг олдини олиш учун **тўртта йўналишда** мустаҳкам ва тезкор иқтисодий сиёсат зарур.

Биринчидан, жаҳон озиқ-овқат дастури ва бошқа ташкилотларнинг инсонпарварлик ёрдами, шунингдек, самарали ички фискал сиёсат орқали озиқ-овқат хавфсизлигига муҳтож бўлган одамларни тез ва етарли даражада қўллаб-қувватлаш зарур. Бутун дунё бўйлаб сиёсатчиларини инфляцияга қарши курашни ва ҳаётнинг ўсиб бораётган инқирози юкини енгиллаштириш учун энг заиф қатламларни ҳимоя қилиш устувор вазифалари бўлиши зарур.

Қисқа муддатли ижтимоий ёрдам пули, камбағалларга шошилиш озиқ-овқат ёрдами ёки нақд пул ўтказмаларини тақдим этишга қаратилиши керак. Бундай имконият бўлмаса, иккиламчи субсидиялар ва солиқ имтиёзлари вақтинчалик ёрдам бериши мумкин.

Иккинчидан, озиқ-овқат ортиқча бўлган ҳудудлардан озиқ-овқатга муҳтож бўлган ҳудудларга йўналтириш имконини бериш учун, шу жумладан минтақалар ичида эркин савдони сақлаш зарур. “Қора денгиз дон ташаббуси” доирасида[20] ва Жаҳон Савдо Ташкилотининг 12-Вазирлар конференцияси[21] да эришилган ютуқларга

асосланиб, йирик озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилари томонидан жорий қилинган экспорт тақиқларини зудлик билан бекор қилиниши керак. Жаҳон банки[22] маълумотларига кўра, протекционистик чоралар озиқ-овқат инқирозини янада кучайтирмоқда ва буғдойнинг жаҳон нархлари ўсишининг 9 фоизигача улуши ушбу чораларга тўғри келмоқда.

Учинчидан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва тарқатишни яхшилаш, шу жумладан ўғитларга бўлган талабни етарли даражада таъминлаш ва экинларни диверсификация қилиш. Савдони молиялаштиришни кўпайтириш ва қиймат занжирларини мустаҳкамлаш ҳозирги озиқ-овқат нархлари зарбасини енгиш учун жуда муҳимдир. Жаҳон банки ва бошқа кўп томонлама ривожланиш банклари қишлоқ хўжалиги ва бошқа озиқ-овқат товарлари савдосини молиялаштиришни кўпайтириш ва муҳим транспорт тизимлари ва инфратузилмасини модернизация қилишда мамлакатларни қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнайди.

Тўртинчидан, иқлим ўзгаришларига чидамли қишлоқ хўжалигига сармоя киритиш келажакдаги ҳосилни ошириш учун жуда муҳимдир. Фалокатли ва олдиндан айтиб бўлмайдиган иқлим ҳодисалари озиқ-овқат хавфсизлигини янада кучайтиради. Муаммо ечимларни мамлакатнинг ўзига хос шароитларига мослаштириш, айниқса, янги экин навларига сармоя киритиш, сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ва ахборотни тарқатиш каби арзон ва юқори самарали чораларга эътибор қаратиш лозим.

Халқаро ҳамжамият ҳам жорий инқироздан чиқиш, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилаш учун зарур маблағларни таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўриши керак. Жаҳон озиқ-овқат дастури ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти каби озиқ-овқат хавфсизлиги институтлари маблағга муҳтож. Донорлар ва халқаро ташкилотларнинг қўшимча грантлари ва имтиёзли маблағлари энг кўп озиқ-овқат таъминотидан маҳрум бўлган уй хўжаликларига пул ва моддий ёрдамни қўллаб-қувватлаш учун зудлик билан йуналтирилиши лозим. Баъзи мамлакатлар халқаро қарзларини енгиллаштиришга муҳтождирлар.

ХВФни молиялаштириши қўшимча мудрофаа чизиғи сифатида мамлакатларга глобал озиқ-овқат муаммоси билан боғлиқ ташқи молиялаштириш эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради. Россиянинг Украинага бостириб кириши ортидан бир неча ривожланаётган мамлакатларга Фонд томонидан қўллаб-қувватланган янги иқтисодий дастурлар озиқ-овқат инқирози оқибатларини бартараф этиш имконини беради.

Келгусида Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини бартараф этиш учун ички бозорда озиқ-овқат таклифини ошириш, импорт таъминотини диверсификация қилишни таъминлаш, соғлом овқатланиш бўйича миллий тавсияларни ишлаб чиқиш, озиқ-овқат маҳсулотларини маркировка қилишни жорий этиш ва бошқа ишларни амалга ошириш жадаллаштирилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. ["Food and Agriculture Organization | United Nations organization"](#). *Encyclopedia Britannica*. Retrieved 31 December 2021.
2. FAO, 2017. The future of food and agriculture – Trends and challenges. Rome. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.fao.org/3/a-i6583e.pdf> 25.03.2021.

3. FAO, IFAD & WFP. 2015. Achieving Zero Hunger. The critical role of investment in social protection and agriculture. Rome, FAO
4. Декларация Всемирного саммита по продовольственной безопасности, https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/summit2009_declaration.shtml
5. www.imf.org
6. Зеркалов Д.В. Продовольственная безопасность [Электронный ресурс]: Монография / Д. В. Зеркалов. – Электрон. данные. – К.: Основа, 2009.
7. Ефимов А.Б. Организационно-экономические аспекты достижения продовольственной безопасности в России. Автореферат диссертации на соискание звания кандидата экономических наук (doc) (2009).
8. Гулиев Э.А. оғлы Современные реалии и тенденции глобальной продовольственной безопасности // Российское предпринимательство. – 2018. – Том 19. – № 7. – С. 1963-1978. doi: 10.18334/rp.19.7.39244
9. Лилия Ревенко. Продовольственная безопасность: решение возможно. https://mgimo.ru/files/226753/2012-09_interaffairs_Revenko.pdf.
10. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма.- Т.:Akademiya, 2012.-12-бет;
11. Эргашев Х.Н. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда суғуртанинг аҳамияти. //“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг озиқ-овқат захираларини оширишдаги ўрни ва роли: муаммо ва имкониятлар” мавзусидаги Олий таълим муассасалари илмий-амалий анжумани илмий мақола ва маърузалар тўплами. 2018 йил 19 май. -Т.:2018. - 257-бет.
12. Strange R. N., Scott P. R. Plant disease: a threat to global food security //Annual review of phytopathology. – 2005. – Т. 43. – №. 1. – С. 83-116.
13. Schmidhuber J., Tubiello F. N. Global food security under climate change //Proceedings of the National Academy of Sciences. – 2007. – Т. 104. – №. 50. – С. 19703-19708.
14. Wheeler T., Von Braun J. Climate change impacts on global food security //Science. – 2013. – Т. 341. – №. 6145. – С. 508-513.
15. Wang J. et al. Growing water scarcity, food security and government responses in China //Global Food Security. – 2017. – Т. 14. – С. 9-17.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси” 30-мақсади.
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь, № 276 (7778).
18. "Food and Agriculture Organization | United Nations organization". *Encyclopedia Britannica*. Retrieved 31 December 2021.
19. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/09/30/food/>
20. <https://unsdg.un.org/ru/latest/stories/tri-mesyaca-chernomorskoy-zernovoy-iniciative-chego-udalos-dostich-i-chego-zhdai>
21. <https://wto.ru/news/v-zheneve-uchastniki-ministerskoy-konferentsii-vto-odobrili-paket-itogovykh-dokumentov/>
22. <https://www.imf.org/ru/Blogs/Articles/2022/09/30/global-food-crisis-demands-support-for-people-open-trade-bigger-local-harvests>